Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 28 ноябрь, чоршанба • №94 (11.379) • Эркин нархда сотилади

8 декабрь – Конституция куни

МУНОСИБ НИШОНЛАНАДИ



Айни кунларда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг тўққиз йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бош Қомусимиз қабул қилинган кун Тошкент вилоятида ҳам ҳар томонлама муносиб кутиб олинмоқда. Айни пайтда уни янада кенг нишонлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг тўққиз йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вилоят ташкилий қўмитасининг йиғилишида ана шу масалалар муҳокама этилди. Унда ташкилий қўмита аъзолари, шаҳар, туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирок этдилар.

Конституция кунини ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида «Республика «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлимининг бошлиғи Суяр Қурбонқулов ахборот берди. Унда таъкидланганидек, жойларда Конституция куни муносабати билан турли мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Айниқса, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар таълими ўқув юртларида Конституциямизнинг моҳиятини ёшларга тушунтириб бериш ва тарғиб этиш юзасидан сезиларли ишлар қилинмоқда. Шу билан биргаликда вилоятда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини тарғиб қилиш юзасидан бир ойлик тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланди.

Йиғилишда ана шу режага киритилган тадбирларни жойларда юқори савияда ташкил этиш, уни ўтказишга ҳуқуқшунос олимлар, педагоглар, прокуратура, адлия, ҳуқуқий маърифат-тарғибот маркази ходимларини ҳам кенг жалб этиш тавсия этилди.

Бу тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад – мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқларини чуқур билмоғи, юртимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш, ислоҳотларни амалга ошириш йўлида меҳнат қилиш ўзининг асосий бурчи эканлигини ҳис этишга хизмат қилмоғи зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда Конституция кунини нишонлаш билан боғлиқ бошқа ташкилий ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Қарор ва ижро

ВИЛОЯТНИ КИМЛАР ОРҚАГА ТОРТАЯПТИ?



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 7 ноябрдаги «2002 йил хосили учун кузги-кишки тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш тўғрисида»ги қарори вилоят туман ва хўжаликларида қандай ижро этилмоқда

Маълумки, шу йил 16 ноябрь куни вилоят ҳокимининг Вазирлар Маҳкамаси қарорини жойларда тўла ва сифатли бажаришга қаратилган махсус қарори эълон қилиниб, ижрочиларга етказилди. Республика ҳукумати ҳамда вилоят ҳокими қарорларининг ижросини назорат қилиш мақсадида вилоятда махсус ишчи гуруҳи тузилди. Айни кунларда ушбу гуруҳ аъзолари ҳар куни барча туман ва хўжаликларда бўлиб, кузги-қишки тадбирларнинг қандай амалга оширилаётганини талабчанлик билан назорат қилиб бормоқдалар ва энг муҳими, аниқланаётган камчилик ва муаммоларни жойида ҳал этиш учун амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ бу йил кузги шудгор 1 декабрдан кечга қолмай якунланиши лозим. Бугунги кунгача режаланган 119 минг гектар ҳайдаладиган ерларнинг 97 минг гектари шудгорлаб бўлинди ёки бу борадаги режа 81,5 фоиз бажарилди. Айни кунларда 167та «Магнум» русумли ҳайдов тракторлари юксак унум билан ишлатилмоқда. Улар ёрдамида кунига 4 минг гектаргача ер ҳайдалаётир.

Шунингдек, вилоятда ерларни шудгорлашдан олдин далаларни гўзапоядан тозалаш, минерал ва маҳаллий ўғитлар бериш, кузги галлани озиқлантириш, ички ва оралиқ суғориш тармоқларини тартибга келтириш, кўклами экиш техникаларини таъмирдан чиқариб, созлаб қўйиш ишлари ҳам белгиланган жадвал асосида жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, вилоятимиз республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорини бажариш борасида пешқадам вилоятлар сафида бормоқда.

Бироқ, кузги-қишки тадбирлар ҳамма туман ва хўжаликларда ҳам тез ва сифатли бажарилмоқда, деб бўлмайди. Масалан, вилоят бўйича кузги шудгор режаси 81,5 фоиз бажарилган бир пайтда бу муҳим агротехник тадбир Бекобод туманида 62,7, Бўстонлиқ туманида 62,5, Бўка туманида 73,8 фоиз бажарилган, холос. Бундан кўриниб турибдики, юқоридаги туманларда Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокими қарорларининг ижросини таъминлашга масъулиятсизлик билан ёндошилмоқда.

Агар мавжуд вазият хўжаликлар мисолида таҳлил этиладиган бўлса, аҳвол янада ташвишли эканлиги маълум бўлади. Чунончи, Қуйичирчиқ туманининг «Меҳнатобод», Ҳамза номли, Беруний номли, Бекобод туманининг «Бекобод», Ойбек номли, А.Мавлонов номли, Бўка туманининг «Мустақил Ўзбекистон», Ойхўжа Йўлдошев номли, Пскент туманининг Навоий номли, «Мустақил Ўзбекистон», Чиноз туманининг «Эшонобод», «Чиноз», Ўртачирчиқ туманининг «Ҳақиқат йўли», «Истиқбол», Янгийўл туманининг «Янги ҳаёт», «Тинчлик» каби хўжаликларида кузги шудгор режаси эндигина 30-50 фоиз бажарилганлигини ҳеч қандай баҳонаю сабаблар билан оқлаб бўлмайди. Устига-устак бу хўжаликларда кузги шудгорнинг сифати ҳам мутлақо қониқарсиз. Зеро, 20-30 сантиметр чуқурликда ҳайдалган майдонларда келаси йили мўл ҳосилга умид боғлаш амри маҳолдир.

Хўш, нима учун шундай бўляпти? Асосий иллат шундаки, хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари шудгорлаш ишларини назорат қилмай, ўз ҳолига ташлаб қўйишган. Вақти-вақти билан далаларга чиқиб, шудгорнинг сифатини кузатишмайди, чуқурлигини текширишмайди. Бундан хотиржам бўлган айрим механизаторлар карталарнинг четларида анча-мунча жойларни ё ташлаб кетмоқдалар, ё саёзгина ҳайдамоқдалар. Шунингдек, ажриқ босган майдонлар шудгорлангач, уларни тозалаш учун одамлар сафарбар этилмаяпти.

Шудгорлаш олдидан ерларнинг ҳолатига қараб, маҳаллий ва минерал ўғитлар бериш бўйича белгиланган вазифалар ҳам жойларда қўл учида бажарилмоқда. Жумладан, Оққўрғон туманида бор йўғи 90 гектар, Бекобод туманида 110, Ўртачирчиқ туманида 120 гектаргина ер минерал ўғит сепиб ҳайдалган, холос. Бўка туманида эса, бу тадбир мутлақо унутиб қўйилган кўринади. Чунки, ҳозиргача 73,8 фоиз майдон шудгор қилинган бўлса, унинг бирор гектарига ҳам ўғит сепилмади.

Бу йил вилоят бўйича 3760 километр узунликдаги ички ариқ-зовурлар тозаланиши мўлжалланган. Лекин, бир қатор туман ва хўжаликларда мавжуд куч ва имкониятлар етарлича сафарбар этилмаяпти. Жумладан, Оққўрғон, Оҳангарон, Бекобод, Бўка ва Қуйичирчиқ туманларида эндигина 9-15 фоиз суғориш шахобчалари тозаланди, холос. Кунига шу иш билан шуғулланиши лозим бўлган 1000-1500 киши ўрнига, бор-йўғи 40-50 нафар одам ишга чиқмоқда. Бекобод туманининг «Хос», Фарҳод номли, «Дўстлик», Бўка туманининг «Қашқадарё», Қуйичирчиқ туманининг Улуғбек номли ва «Дўстлик» хўжаликларида эса, ариқ-зовурларни тозалаётган бирор кишини кундузи чироқ ёқиб излаб тополмайсиз. Ваҳоланки, айни кунларда табиатнинг ўзи деҳқонларга қайишиб, об-ҳаво суғориш шахобчаларини тезроқ тартибга келтириб олиш учун қулай бўлиб турибди.

Келгуси йил ҳосили учун 127 минг гектар майдонга кузги бугдой уруғи сепилган. Уруғлик яхши ундириб олиниб, тўлиқ гектарлар ҳосил қилинганига қарамай, уларни озиқлантиришга ҳамма ерда ҳам бирдай жиддий эътибор берилмаяпти. Айниқса, Оққўрғон, Оҳангарон, Бекобод, Бўка, Қуйичирчиқ туманлари бу ишда оқсамоқда. Чиноз туманидаги «Эшонобод», Ўртачирчиқ туманидаги «Ҳақиқат йўли», «Ўзбекистон», Бўка туманидаги «Дўстлик» каби ўнлаб хўжаликларда ҳалигача бирор гектар кузги бугдой озиқлантирилгани йўқ. Ҳолбуки, бу хўжаликларнинг раҳбарлари елиб-югуриб ўғитларни вақтида олишган.

Одатда пахта майдонларидаги галла майсалари имкони борича барвақтроқ ғўзапоядан тозалаб қўйилади. Афсуски, Чиноз туманидаги «Чиноз», Янгийўл туманидаги «Янги ҳаёт», Ўртачирчиқ туманидаги «Истиқбол», Оққўрғон туманидаги Навоий номли, Бекобод туманидаги «Дўстлик», Қуйичирчиқ туманидаги Беруний номли ва бошқа бир қатор хўжаликларда бу ишда ҳам сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Айрим туманларда қишлоқ хўжалик техникалари, айниқса, кўкламги экиш мавсумида фойдаланиладиган машина-механизмларни таъмирлаш чўзиб юборилмоқда. Чунки таъмирлаш, созлаш ишлари жадвали номигагина тузилган, унга ҳеч ким эътибор бермайди, назорат қилмайди. Бунинг устига автотрактор сойларининг аҳволи ачинарли. Бу ерда таъмирлаш учун, ҳатто, оддий шароит ҳам яратилмаган. Иссиқ овқат ташкил этилмайди. Тез ишдан чиқадиган эҳтиёт қисмлар тайёрлаб қўйилмаган. Техника воситалари бутун сарой бўйлаб сочилиб ётади. Устахоналар вақтида тозалаб турилмайди. Бўка туманидаги Ойхўжа Йўлдошев номли, Навоий номли, Бекобод туманидаги «Бекобод», Бобур номли, Қуйичирчиқ туманидаги «Меҳнатобод», Улуғбек номли, Чиноз туманидаги «Гулзоробод» хўжаликларида ана шундай аҳволни учратиш мумкин. Шунинг учун ҳам вилоят бўйича мавжуд ҳайдов трактор-ларининг 63,2 фоизи таъмирлаб бўлингани ҳолда Бўка туманида бу иш эндигина 45,2 фоиз, Пскент туманида 39,6 фоиз, Бекобод туманида 52,5 фоиз бажарилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Хулоса қилиб айтганда қайси туман ва хўжаликларда Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокимининг юқоридаги қарорини бажаришга масъулиятсизлик билан ёндошилаётган бўлса, ўша ерда кузги-қишки тадбирлар кўл учида бажарилиб, оқибатда вилоятни ҳам ноқулай аҳволга солиб қўймоқда. Вақт ғанимат. Ҳозирги қулай об-ҳаво шароитидан оқилона фойдаланиб, кузги-қишки юмушларни вилоят ҳокимининг қарорида белгилаб қўйилганидек, барвақт саранжомлаб олиш учун мавжуд барча ички имкониятларни ишга солиш ҳар бир раҳбар ва мутахассиснинг бугунги кундаги муҳим бурчидир.

Қулмуҳаммад ФАЙЗИЕВ,
вилоят ҳокимлиги агросаноат мажмуи котибияти мудири.

Вилоят ҳокимлигида

ИЖТИМОИЙ МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

Шу йил 24 ноябрь куни вилоят ҳокимлиги ижтимоий мажмуининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлигининг тегишли бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар бўйича котибият мудири Холтўра Шафоатов бошқарди.

Йиғилишда ижтимоий мажмуадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, белгиланган тадбирларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, вилоятда Ўзбекистон Республикаси «Президент арчаси»ни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда 2002 йилнинг 14 январида нишонланадиган Ватан ҳимоячилари кунига муносиб ҳозирлик кўриш тўғрисида ҳам гап борди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан республика «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Тўлқин Миркомилов, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» кенгаши вилоят бўлими раҳбари Карим Ваҳобовнинг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли ҳокимлик, идора ва муассасаларга вазифалар юкланди ҳамда қарор қабул қилинди.

АФҒОНИСТОНГА ЮКНИНГ САЛМОҚЛИ ҚИСМИ ЎЗБЕКИСТОНДАН ЎТМОҚДА

Ўзбекистон ҳукумати аввало уруш, шу билан бирга, табиий офатлар туфайли ўта аянчли аҳволга тушиб қолган Афғонистон халқига жаҳон ҳамжамияти томонидан ёрдам кўрсатилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлоб, бу борада БМТ билан ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканлигини билдирган эди. Айни пайтда, БМТ маълумотларига кўра, мурувват тариқасида афғон заминига юборилаётган юкларнинг қарийб ярми Ўзбекистон орқали ўтмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идоралари инсонпарварлик ёрдамини етказиб беришдек хайрли ишга ҳисса қўшиб келмоқда. Фавқулодда вазиятлар вазирлигига (ФВВ) эса асосий мувофиқлаштирувчи вазифаси юкланган.

Шу кунларда Амударёдан ҳар куни баржаларда 200-300 тонна юк Афғонистон ҳудудига ўтказиляпти. Нариги соҳил билан алоқа 14 ноябр куни бошланган: илк баржа шу куни Афғонистон соҳилига борган эди. ФВВдан олинган маълумотга кўра, шу кунгача БМТнинг нариги қирғоқдаги вакилларига жами икки тоннага яқин юк етказиб берилган.

Инсонпарварлик ёрдами асосан озиқ-овқат, кийим-кечак, чодир, дори-дармон ва полиомиелитга қарши вакциналардан иборат. Термиз шаҳри яқинидаги омборларда шундай маҳсулотларнинг яна минг тоннаси Афғонистонга жўнатиш учун тахт қилиб қўйилган.

Афғон халқига мурувват тариқасидаги юклар асосан БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Жаҳон озиқ-овқат дастури, Қочқинлар масаласи бўйича олий комиссар бошқармаси йўналишлари билан мамлакатимизга келтирилмоқда.

БМТнинг Термиздаги вакиллари берган маълумотга кўра, Афғонистондаги ночор аҳволда қолган аҳолига ёрдам кўрсатишнинг олти ойлик режаси ишлаб чиқилган. Унда хавфсизлик муаммолари тўла бартараф этилганидан сўнг ҳар ой 15-16 минг тонна юк етказиб берилади.

(ЎзА).

Тараддуд

ҚОНУН БИЛИМДОНЛАРИ БАҲСИ

Мактаб, лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг туман, шаҳар ҳамда вилоят босқичларини ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда вилоятнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, адлия, прокуратура, ички ишлар, халқ таълими, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими, маданият ишлари бошқармаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда танловнинг бошланғич — синфлараро ва мактаблараро, шунингдек, шаҳар ва туман босқичларини ўтказишга тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди. Минтақавий босқични ўтказиш билан боғлиқ ва бошқа ташкилий ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Обуна – 2002

МУШТАРИЙЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Инсон ўз ҳаётини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қила олмайди. Бирон-та газета ёки журнал, китоб ўқимайдиган кишини топиш қийин, албатта. Айниқса, ахборот олиш, ахборот узатиш юксак даражага ривожланган ҳозирги давримизда бу алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда келгуси йил учун газета ва журналларга обуна қизғин паллага кирди. Ватандошларимиз ўзлари ёқтирган нашрларга ёзилмоқдалар.

Куни кеча «Тошкент ҳақиқати» — «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти аъзолари иштирокида Пскент туманида анжуман ўтказилди. Анжуманда туманнинг барча ташкилотлари, муассасалари, фермерларнинг вакиллари ҳамда муштарийлар қатнашдилар. Туман ҳокими Абдували Ғофуров бу учрашувни очар экан, Пскент халқининг бу йилги меҳнат ғалабалари ҳақида сўзлади. Ҳар қандай тадбир бўлмасин, матбуотчилар унда ҳамиша фаол иштирок этиб келаётганини таъкидлади. Газеталар бош муҳаррири Фатҳиддин Муҳиддинов йиғилганларни вилоятнинг бош нашри фаолияти билан таништирди, 2002 йил режалари хусусида батафсил сўзлади.

– Мен газетани мақтамоқчи эмасман, – деди муҳаррир ўз сўзида. – Қандай ишлаётганимиз сизнинг кўз ўнгингизда турибди. Айни пайтда улгуролмаган ишларимиз ҳам сизга саҳифалардан аён. Лекин газеталаримиз ходимлари вилоятимизда қандай янгилик ёки муаммолар бўлса, уларни асло кўздан қочирмай барчасини холисона ёритишга интилмоқдалар. Келгуси йилги режаларимиз ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Ҳар қачонгидек маънавият, маърифатга катта эътибор қаратамиз. Ўзбек адиблари, айниқса, вилоятимизда яшайдиган ижодкорларнинг янги асарларини эътиборингизга ҳавола қилиш ниятидамиз. Бундан ташқари таниқли адиб Фарҳод Мусажон, Омон Мухтор, Хожиакбар Шайхов, Сирожиддин Саид ва бошқаларнинг янги шеър ва қиссалари, профессор Аъзамжон Азимовнинг тарихий ҳикоялари ўз навбатини кутиб турибди. Ҳудди шундай атроф муҳит муҳофазаси, экология муаммолари, ижтимоий-иқтисодий масалалар, қишлоқ хўжалигини юксалтиришга бағишланган долзарб мақолалар, суҳбатлар, мутахассисларнинг чиқишларини ҳам иш режамизга киритганмиз. Хулоса қилиб айтганда, газеталаримиз ҳар бир сонини барча тоифадаги муштарийларга мазмур қилишга ҳаракат қиламиз.



Анжуманда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг туман бўлими раҳбари Маъмур Туронов, почтахона мутасаддиси Ойсулу Абдуллаева, халқ таълими бўлими мудири Суннат Ашуров, ҳаваскор қаламкашлардан Лутфинисо Одилова ва бошқалар ўзларининг фикр, мулоҳазаларини билдирдилар.

– «Тошкент ҳақиқати» газетаси ёш қаламкашларнинг чинакам меҳрибон мураббийси, тарбиячиси дегим келади, – деди Лутфинисо Одилова. – Айниқса, туманимиз ҳаёти унда атрофлича акс эттирилмоқда. Шу сабабли ҳам биринчилардан бўлиб унга ёзилишга қарор қилдим.

Анжуман қатнашчилари газета саҳифаларида танқидий мақолалар, аҳлоқ-одобга оид ибратли ҳикоятлар янада кўпроқ бўлишига истак билдирдилар, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб ҳам олдилар. Мана шундай учрашувларни мунтазам ўтказилиб туриши хусусида гапирдилар.

Бундай ижодий учрашувларни йил охиригача вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

AZIZ D`OSTLAR!

Республика почта алоқа бўлимлари ва газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи» вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида **2002 йил учун** бошқа нашрлар қатори **«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»**га ҳам **обуна** расмийлаштирилиши давом этмоқда.

Шу кунларда унга тўхтовсиз ёзилишингиз ва яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ



37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

Конституцияда меҳнат қилиш ҳуқуқи инсоннинг барча ҳуқуқ ва меҳнат эркинликларининг асосийси саналади.

Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат қилиш ҳуқуқи мустақиллик ва истиқлол шарофати билан янги-янги имтиёз ва қоидалар билан бойитилди. Бу – фуқароларга ўзлари ҳоҳлаган касб-ҳунарларни танлаш; ўз қобилиятига яраша иш билан таъминланиши; меҳнатнинг ҳажми ва сифатига қараб ҳақ олиши; адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиши; меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур воситалар билан таъминланиши демакдир.

Ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш ва унинг натижаларидан фойдаланиш, шу жумладан, унумли ва ижодий меҳнат учун ўз қобилиятларининг тасарруф этилиши имкониятига, ишни эркин танлаш ва ундан бош тортиш, қулай меҳнат шароитлари, давлат томонидан кафолатланган меҳнат ҳақи минимуми ва тенг меҳнати учун ҳеч бир камситишсиз ҳақ олиш ҳуқуқларига эгадир.

Ушбу Конституциявий меъёрларни ривожлантириш ва уларни амалга ошириш учун аниқ механизм яратиш мақсадида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Меҳнат кодекслари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Амалдаги меҳнат хусусидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат соҳасида, унинг муайян турига хос бўлган талаблар ва давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатламлар, яъни аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди.

Меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисобланган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Амалдаги қонун ҳужжатлари ишга қабул қилишда меҳнат хавфсизлигини таъминлашни кафолатлашга йўналтирилган меъёрларни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 16-моддасига мувофиқ, фуқароларни уларнинг саломатлигига зид бўлган ишга қабул қилиш ман қилинади.

Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган меъёрларда даволаш – профилактика, озиқ-овқат, махсус кийим-бош, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланадилар.

Жамиятимиздаги ҳар бир шахсни ишсизликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конституциявий меъёрни ривожлантириш ва ишсизликнинг ўсишига йўл қўймаслик бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш мақсадида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ ўн олти ёшдан бошлаб то пенсияга чиқишини таъминлаш ҳуқуқини олишигача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига эга бўлмаган, яъни меҳнат даромадига эга бўлмаган, маҳаллий меҳнат органларида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ёки қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр киши меҳнатга қобилиятли шахс деб ҳисобланади.

Ишсизликдан ҳимоя қилиш мақсадида ишдан маҳрум бўлган, биринчи марта иш қидираётган, шунингдек, узоқ, яъни бир йилдан ортиқ танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашни истаган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларга:

– ишсизлик нафақасини тўлаш;

– қарамоғидагиларни ҳисобга олган ҳолда моддий ёрдам бермоқ;

– касб ўрганиши, малака ошириши ёки қайта тайёрлаш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни меҳнат стажига қўшиш;

– ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти;

– меҳнат органларининг таклифига биноан ишлаш учун ихтиёрий равишда бошқа ерга кўчиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш таъминланади.

Ишсиз шахс нафақа олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органида йўқламадан ўтиши керак.

Ишсизлик нафақасининг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган.

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш ҳамда фуқароларга тегишли кафолатларни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва унинг томонидан амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳар кишининг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади.

Дилноза ҚЎЗИЕВА,
ТДЮИ «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси ўқитувчиси.

Ислоҳот

ОМАД ЭШИГИНИНГ КАЛИТИ



"Эйвалекмахсустемирбетон" акциядорлик жамияти тайёрлайдиган маҳсулоти жиҳатидан Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади. Мазкур корхонада жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида асосий маҳсулот – темир-бетон шпалдан салкам 300 минг дона тайёрланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир ярим баравар кўп дегани.



– Маҳсулотимизга талаб ортиб боряпти, – дейди корхона бош директори С. Турсунхўжаев. – Яқин ўн йил ичида Буюк Ипак йўли йўналишидаги пўлат изларни қайта таъмирлаш ва кенгайтириш учун фақат ички бозорга 15 миллион дона шпал керак бўлади. Агар бу маҳсулотни етказиб бера олсак, корхонамиз иқтисодий жиҳатдан ўзини анча тиклаб олади.

Корхонани модернизация қилиш фикри кечагина пайдо бўлгани йўқ. Кейинги беш-ўн йил мобайнида корхонада ким раҳбар бўлган бўлса, албатта, шу масала устида бош қотирган. Бунинг учун эса катта маблағ керак эди. Эйвалекчилар Осиё тараққиёт банки ўтказган тендер савдосида Туркиянинг битта, Хитойнинг учта фирмасини доғда қолдириб, ғолиб чиқди. Шу тариқа корхона 10 миллион 350 минг АҚШ долларига тенг хорижий сармоя олишга муваффақ бўлди. Тендер шартига кўра, корхона "Тошкент-Самарқанд" йўналишидаги темир йўл реконструкцияси учун 690 мингта шпал етказиб бериши керак. Ҳозирча ишлар маромида давом этяпти.

– Олисдаги буғдойдан яқиндаги сомон яхши, деган нақл бор, – дейди С. Турсунхўжаев. – Биз ҳам унга амал қилиб, ҳамкорларни яқиндан, ўзимиздан изладик. Тошкентдаги "Технолог" ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари билан шпал цехимиз линияларини янгилаш бўйича 139 миллион сўмлик шартнома имзоладик. Шунга мувофиқ, "Технолог" ходимлари шпал цехига битта янги линия ўрнатади. Яна битта эски линия янгиланади. Улар бу ишни уч ой мобайнида тугатмоқчи.

Корхонада боқибеғамлик кайфияти йўқолган. Сабабсиз иш қолдирувчилар, маҳсулот ўмарувчилар ҳам қолмади ҳисоб. Номинал қиймати минг сўм бўлган 168 минг 188та акциянинг давлат улушига ажратилган 25 фоизини "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси, 46 фоизини "Элко Азия" ҳамда "Найтов нетворкс" фирмалари сотиб олди. Афсуски, жамоа аъзолари бу борада катта хатога йўл қўйганини кейин билди. Ўшанда ўзларига ажратилган 25 фоиз акциянинг атиги тўрт фоизинигина сотиб олишган эди. Мана энди соф фойдадан ҳар йили миллион-миллион сўм дивиденд ажратилаётгани, акциядорларнинг пичоғи мой устида бўлганини кўриб афсусланмоқда.

– Жамоамизда мулкдорлик ҳиссини кучайтириш учун ишчи-хизматчилар маошини янада кўтармоқчимиз, – дейди бош директор. – Ҳозир иш ҳақи ўртача 31 минг сўмни ташкил этади. Қолаверса, йўлкира, тушлик овқат ҳам текин.

Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан электрчи, гидравлик, токар ва кранчи каби мутахассислар етишмайди. Вазиятдан чиқиш мақсадида ташаббускор, ишчан маҳаллий ёшларни бир жойга тўплаб, уларга корхонанинг ўзида касб-кор ўргатиш йўлга қўйилмоқда. Бу ишга Олмалиқ, Оҳангарон шаҳридаги саноат корхоналаридан мутахассислар жалб этилган.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотнинг асосий харидори мамлакатимиздаги "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ҳисобланади. Аввал темир йўл хўжалиги эҳтиёжи учун шпалнинг салмоқли қисми Россиядан келтирилар эди. Бундай ёғоч шпалнинг ҳар бири ҳозир ўртача 16 доллар бўлиб, кафолат муддати эса атиги ўн йилни ташкил этади. Бизнинг шпалларимиз ҳам деярли шу нархда, аммо рельс остида эллик-юз йил "қилт этмай" туради.

Финляндия бир дона темир-бетон шпалини жаҳон бозорида 192 доллардан, Қозоғистон эса 55 доллардан сотяпти. Яқинда темирйўлчилар Қозоғистоннинг шпалини олиб келиб синаб кўришди. Ундан Оҳангарон шпали минг марта яхши экан. Демак, Эйвалекчилар маҳсулотни арзон сотяпти. Айниқса, "Тошкент-Самарқанд" йўналишидаги темир йўл реконструкцияси учун жўнатилаётган шпаллар "сув текинга" кетмоқда.

– Бунга ўзимиз айбдормиз, – дейди С. Турсунхўжаев. – Халқаро тендер савдосида илк бор қатнашганимиз боис бироз тажрибасизлик қилдик. Ваҳоланки, тендерда иштирок этган Туркия шпал нархини 23, Хитой 21 доллардан етказиб беришни таклиф қилган.

Корхона келгуси йилда маҳсулот етказиб бериш учун мижозлар билан шартнома тузмоқда. Улар биржа орқали жаҳон бозорига чиқишни режалаштирган. Шунингдек, корхона жамоаси чиқитлардан шлакоблок, йўлакбоп плита тайёрлашни ҳам ўзлаштириб олди ва улар ҳам қурувчилар эътиборини жалб қилмоқда.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Цех технологи Адҳам Тошматов. 2. Тайёр маҳсулотлар майдонида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Кўргазма

МУҲИМ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

Пекинда Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 10 йиллигига бағишлаб «Инсон. Фуқаро. Президент» ҳамда «Ўзбекистон – кўҳна ва навқирон мамлакат» мавзулоридаги фотокўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Хитойнинг ижтимоий-сиёсий, ишбилармон доиралари, ХХР ташқи ишлар вазирлигининг вакиллари, олимлар, дипломатлар ҳамда журналистлар ҳозир бўлдилар.

Фотокўргазмани очар экан, Ўзбекистоннинг ХХРдаги элчиси И. Эргашев ушбу тадбир кўҳна ва бой анъаналар, тарих ва маданиятга эга бўлган, умумжаҳон маданий қадриятларининг ажралмас қисми бўлиб қолган Ўзбекистон билан яна ҳам яқиндан ошно этишга хизмат қилишини айтди.

Тадбирда Хитой хорижий эллар билан дўстлик жамияти раисининг ўринбосари Ли Чаншунь ўз чиқишида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнларига юқори баҳо берди.

«Жаҳон» АА.

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛАРНИ РОМ ЭТМОҚДА

Лондонда ҳар йили ўтказиладиган «World Travel Market» умумжаҳон сайёҳлик ярмаркаси ниҳоясига етди. Унда жаҳоннинг 171 мамлакатидан бир неча минг сайёҳлик компаниялари иштирок этди.

«Ўзбектуризм» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий компаниялари ҳам мамлакатимизнинг муносиб вакиллари сифатида ушбу халқаро анжуманда қатнашдилар. Миллий, яъни ўзбекона услубда безатилган гўзал павильонларда ярмарканинг иштирокчи ва зиёратчиларига Ўзбекистон ҳамда Буюк ипак йўли шаҳарлари бўйлаб турли-туман сайёҳлик маршрутлари, Самарқанд ва Бухоронинг бетакрор меъморчилик ёдгорликлари акс этган эскизлар, халқ амалий санъати намуналари намойиш этилди.

М. ЁҚУБОВ,
«Жаҳон» АА. Лондон.

ЁШ ОНАЛАР ТАНЛОВИ

Пойтахтдаги Ўзбек миллий академик драма театрида «Экосан» халқаро жамғармаси Республика хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Ёш оналар» республика кўрик-танловининг якуний босқичини ўтказди.

Унда дастлабки босқичда ғолибликни қўлга киритган ўн тўрт нафар ёш оналар беллашдилар.

Қатнашчилар танишув, саволларга жавоб, соғлом оилавий муҳит яратишда онанинг ўрни, фарзанд тарбияси, оила маблағларини оқилона тақсимлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби масалалар бўйича билимларини саҳна кўринишлари, бадиий чиқишлар орқали намойиш этишди.

«Туркистон-пресс».

МАҲАЛЛАДА МИНИ МАРКЕТ



Чирчиқ шаҳар аёллар уюшмаси аъзоси Мавлудахон Худойқулова бошчилигида шаҳардаги Охунбобоев номли маҳаллада яна бир мини маркет дўкони ўз фаолиятини бошлади.

Мазкур дўконнинг очилиши муносабати билан тўрт нафар киши доимий иш билан таъминланди. Бу ерда озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳамма турлари мавжуд. Харидорлар яратилаётган янги қулайликлардан мамнун бўлишмоқда.

Салима ЯМИНОВА.

Йил якуни таҳлили

ПУДРАТЧИ — ҲАМ ЕР, ҲАМ ДАРОМАД ЭГАСИ

Эндиликда режани бажариб, дабдабали тантаналар уюштириш одатлари қолиб кетди. Аммо оғир шароитда мўлжалдаги ҳосилни олиб, мавсум муваффақиятли якунланганда ихтиёр ўтказиб, дастурхон ёзиш деҳқонларнинг руҳини кўтаради, албатта.

Қуйичирчиқ туманида бир неча йиллик танаффусдан сўнг пахта тайёрлаш режаси муваффақиятли бажарилиб, деҳқонларнинг кўнгли ёришган кезда ана шундай хурсандчилик йиғини ўтказилди. Шунда вилоят ҳокими бир гапни айтди: «Бу йил «Ўжакент» хўжалиги ғаллани ҳам, пахтани ҳам қойил қилди. Янги раис ёш, куйди-пишди, ҳаракатчан, изланувчан. Бош ҳосилот эса узоқ йиллар раҳбар бўлиб ишлаган, ҳатто, шу хўжаликка ҳам раислик қилган, катта тажриба орттирган. Уч-тўрт йил бурун пенсияга чиқиб, дам олаётган бўлса-да, Маҳмуджоннинг илтимосини ерга ташламай, ҳосилотликка қайтгани яхши бўлибди. Мана энди ёшликнинг ғайрат-шижоати билан бой тажриба уйғунлашиб, ўз ҳосиласини берди».

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Ёш раиснинг дадиллиги билан кўпни кўрган бош ҳосилотнинг мулоҳазалари бир-бирига мос келиб, чигит экиш ҳар йилгидан эрта, яъни мартнинг охирларидаёқ бошлаб юборилди. Натижада вақтдан ютилди. Умуман олганда, бу йил бутун вилоят бўйича пахта 15-20 кун эрта пишиб етилди. Ўн-ўн бешта хўжаликни истисно қилганда, вилоятда пахта режасини уддаламаган бирорта туман қолмаганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам шу.

— Агар об-ҳаво имкон берса, чигитни мартнинг учинчи ўн кунлигидан бошлаб экаверган маъқул экан, — дейди бош ҳосилот Узоқбой Мажидов. — Бу йил шунга амин бўлдик.

Хўжаликнинг илғорлар сафига кўтарилиши омилларидан яна бири шу йилнинг бошидан ширкатга ўтилгани бўлди. Маҳмуджон Абдуназаров янги раис этиб тайинланган кезда, ширкатга ўтиш ҳақида кўрсатма келди. Шунда раис бош ҳосилотга маслаҳат солди:

— Ширкат хўжаликларини кўриб юрибмиз. Энди бизнинг ҳам чекимизга тушипти. Агар ўтадиган бўлсак, бу ишни хўжакўрсинга эмас, рисоладагидек қилиш керак. Сизнинг тажрибангизга таяниб, ўқиш ташкил қилсак, пудратчи бўламан деганларнинг ҳаммасини машғулотга жалб этсак, нима дейсиз?

Узоқбой аканинг чеҳраси ёришди-ю, раисга синчков қаради:

— Бунинг учун камида бир ой ҳаловатдан кечишга тўғри келади-да.

— Начора, — деди Маҳмуджон, — керак бўлгандан кейин кечамиз-да. Қолаверса, пудратчиларни бошидан ўргатиб олсак, пировардида ўзимизга осон бўлади.

Шундай қилиб раис, бош ҳосилот, бош бухгалтер ишга киришиб кетишди. Раиснинг хонаси дарсхонага айланди. Ёзув тахтаси ўрнатилди. Ширкат, оила пудрати, чек дафтарчаси, молияҳисоб маркази нима эканлиги тахтага ёзиб-чизиб кўрсатилди, тушунтирилди. Хуллас, раҳбар ҳам, бош мутахассислар ҳам эринишмади. Оқибатда ғаллачиликдаги 44та, пахтачиликдаги 81та ва бошқа соҳаларда ишлаш истагини билдирган жами 158та оила пудрати бошлиқлари етарли малакага эга бўлдилар.

Дарвоқе, пудратчи бўламан деганлар аслида кўпчилик эди. Уларнинг бўладиганлари эса ана шу ўқув машғулотлари жараёнида танлаб, саралаб олинди ва фақат шулар билан шартнома тузилди.

Пудратчилар ўз бурчлари ва ҳақ-ҳуқуқларини тўла тушуниб олсалар раҳбарларга ҳақиқатан ҳам осон бўлиши ғаллачиликдаёқ яққол кўринди. 490 гектар майдондаги ғалла бошиданоқ дуркун ривожланди. Бошоқлар йирик, дони тўқ бўлди. Шу боис давлатга топширилган 1306 тонна буғдойнинг 750 тоннадан кўпроғи уруғлик сифатида қабул қилинди. Жами етиштирилган ғалла эса режадаги 1960 тонна ўрнига 2575 тоннага етди. Гектар ҳисобига ҳосилдорлик 47,1 центнерга тўғри келди. Бу — туман бўйича энг юқори кўрсаткич. Яна бир гап: хўжаликда ҳамма майдонлардаги ҳосил июннинг ўрталаридаёқ тўла йиғиштириб олинди.

Бу йилги ғаллачиликдан пудратчиларнинг ўзлари ҳам, хўжалик ҳам барака топди. 55-65 центнердан хирмон кўтарганлар теримда фаол қатнашди. Шу боис сабзавоткор туманлардан келган ҳашарчиларга ортиқча эҳтиёж сезилмади. Пудратчилар бу борада ҳам яхшигина иқтисодий манфаат кўрдилар. Гектаридан 30-35 центнердан ҳосил кўтарган Ғафур Мажидов, Маҳсума Фозилова, Мурод Рўзматов каби оилавий пудратчиларнинг йил якунида мўмай даромад эгаси бўлишлари тайин.

Молия-ҳисоб марказида олиб борилаётган дастлабки ҳисоб-китобларга қарағанда, бу йил хўжаликнинг ўзи ҳам ҳар йилгидан баракали даромад олади. Масалан, ғаллачиликдан 9,7 миллион сўм, пахтадан 9 миллион сўм, шолидан 4,1 миллион сўм ва бошқа соҳаларни ҳам қўшиб ҳисобланганда жами 27 миллион сўмдан зиёд соф фойда кўриш мўлжалланмоқда.

— Бу деҳқонларимизнинг пешона тери эвазига келган бойлик. Роҳатини ҳам, аввало, ўзлари кўришлари керак, — дейди Маҳмуджон Абдуназаров. — Соф фойданинг асосий қисмини пудратчиларга қўшимча даромад сифатида тарқатамиз.

Тўғри гап. Пудратчи нафақат ерга, балки ўзи ишлаб топган даромаднинг тегишли қисмига ҳам эгалик қилиши керак. Шундагина у ўзини чинакам мулкдор ҳис этади, жон куйдириб ишлайди.

Бу йилги натижалар шуни кўрсатдики, агар асосий экин турлари бўйича режалар барвақт бажарилса, келгуси йил ҳосилига ҳар томонлама пухта замин яратиш учун кенг имкониятлар очилар экан. 500 гектар майдонга кузги буғдой экиш мўлжалланганди. Бу иш 8 октябрдаёқ уддаланди. Мана энди асосий майдонлардаги буғдой майсалари қалин тупланди. Бу айни муддао. Чунки, майса туплаш жараёнида бирйўла танасида қанд моддасини тўплайди ва у буғдойни қаттиқ қишда совуқ уришидан асрайди.

Айни кунларда охирги пахта майдонлари ғўзапоядан тозалаб, чуқур шудгор қилинмоқда. Хўжаликнинг бешта корчёвкаси унумли ишлатилмоқда. Барча экин майдонларини декабргача сифатли шудгорлаб қўйиш мақсадида авваддан мавжуд бўлган учта «Олтой» ҳайдов трактори қаторига яқинда битта «К-700» ҳам қўшилди.

Ўз чекларига тушган ерларни ғўзапоядан тозалаб, кузги шудгорни тугатган аъзолар бирин-кетин ариқ-зовурларни тозалаб, тартибга келтиришга киришдилар. Улар сафига ҳар куни янги-янги кучлар келиб қўшилмоқда.

Хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислар билан суҳбатлашиш жараёнида шу нарса ҳам маълум бўлдики, ютуқларни янада мустаҳкамлашга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, ёнилғи ва ўғит таъминотида хўжаликка мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолда тез-тез узилишлар бўлиб туради. Хусусан, бош ҳосилотнинг фикрича, агар бу йил ғўзага меъёрдаги ўғитни беришга эришилганда, ҳосилдорлик камида 35 центнерга етиши мумкин экан. Ахир бу кимнинг фойдасию кимнинг зарари?

Пудратчига зарур шарт-шароитлар яратиб берилса, ўғитдан тортиб барча керакли воситалар билан таъминланса, айтган ҳосилини олиши кейинги икки-уч йилдан бери амалда исботланмоқда. Демак, таъминот масалалари билан боғлиқ муаммоларни туман, вилоят, республика даражасида тезроқ ҳал этиш зарурлигини вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛСА...

Илгари хабар қилганимиздек, шу йил 15 ноябрдан бошлаб 15 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда

Шу муносабат билан вилоятимиздаги барча шаҳар ва туманларда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш мақсадида шу кунгача маҳалла, ўқув юртлари, корхоналар, истироҳат боғларида 175 марта учрашувлар уюштирилди. 2111 нафар ишчи ва хизматчилар билан иш жойларида, 15216 нафар фуқаролар билан хонадонларда йўриқнома ва суҳбатлар ўтказилди. 20 мингдан ортиқ эслатмалар тарқатилиб, 11 та телекўрсатув, 72 марта радиосуҳбатлар ташкил этилди, рўзномаларда 31та мақола чоп этилди.

Ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг тарғибот автобуси гуруҳи томонидан шаҳар ва туманларда йирик саноат корхоналари ҳамда одамлар кўп йиғиладиган жойларда ҳам учрашувлар ўтказилмоқда.

Ойликнинг ўтган даври мобайнида вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг қуйи тизими ходимлари томонидан 116та корхона, муассасалар ҳамда 7507та фуқаролар хонадонларининг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Текшириш жараёнида ёнғин чиқиши хавфи бўлган 37та цех ва жойлардаги камчиликлар бартараф этилмагунча вақтинчалик тўхтатилди. 170та носоз, ёнғин чиқиши хавфи бўлган газ ва электр қурилмалари ўчириб қўйилди. Шунингдек, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган 52 кишига жарима солинди.

Лекин, кўплаб тадбирлар ўтказилишига қарамай, фуқароларимизнинг лоқайдлиги туфайли ёнғинлар сони камаймаётир. Хонадонлардан чиққан ёнғинлар аксарият ҳолларда қаровсиз қолдирилган болаларнинг гугурт ўйнашлари, электр ёки газ ускуналарининг носозлиги, улардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида содир бўлмоқда.

Юртимиз ва халқимиз бойлиги бўлмиш инсон ҳаётини ўт балосидан асраш ҳаммамизнинг ишимиздир. Бунинг учун хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилиб, зарур чора-тадбирларни ўз вақтида кўриш, ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан эслатилган барча камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш лозим.

Рамзия СУЛЕЙМАНОВА,
вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси нозири, ички хизмат лейтенанти.

ИЛҒОРЛАРНИНГ ИЛҒОРЛАРИ, МУКОФОТ МУБОРАК!

ҲАР ҲОВУЧ ТУПРОҒИ ЗАР

Хазрат НУРОВ, Пскент туманидаги Дўстбеков номли ширкат хўжалиги раиси



– Ўзбекистонимизнинг ҳар ҳовуч тупроғи зар, бағри бойликларга кондир. Шу сабабли халқимиз ҳар бир неъматни ардоқлаб, «оқ олтин», «қора олтин», «кумуш тола» деб атайди. Тумандаги бошқа хўжаликлар каби дўстбековчиларнинг ҳам астойдил қилган меҳнатлари зое кетмади. Хўжалигимизнинг заршуносларини саналган пиллакорлар эрта баҳорданоқ мўл ҳосил иштиёқида маҳкам бел боғладилар. Пилла учун нима керак? Биринчи навбатда тутзорлар, албатта. Ҳудудимиздаги тутзорларни йил сайин парваришлаб, кўпайтириб бораётганимиз, пиллакорларга зарур шарт-шароитларни муҳайё қилиб бераётганимиз туфайли кутилган натижаларга эришмоқдамиз. Бу йил давлатга 12080 килограмм пилла топшириб, режани юз фоиздан ошириб уддаладик. Бу ҳар қути ипак қурти уруғидан 60 килограммдан ошириб «кумуш тола» етиштирилди деган гап.

Вилоятимизнинг зўр тантана билан ўтган «Ҳосил байрами»да хўжалигимизнинг «Энг яхши пиллакор хўжалик» деб эътироф этилиши, қилган меҳнатларимиз қадрланиб, телевизор билан мукофотланишимиз бошимизни кўкка етказди.

ЧОРВАДОРЛАР ХОНАДОНИДА БАЙРАМ

Анвар УСМОНОВ, Қибрай туманидаги «Чорвадор» фермер хўжалиги раҳбари



— Алломанларнинг бараканинг бир учи чорвада, деган гапини тез-тез хаёлимдан ўтказаман. Ушбу ҳикматли сўзлар дастлаб айтилганига кўп асрлар ўтган бўлсада, у ўз маъносини асло йўқотган эмас. Қадимдан сайёҳ ва савдогарлар қайси юртга боришса, даставвал чорва билан қизиқишган. Мол туёғи кўп элда бўлишса, халқи тўқ, фарзандлари соғлом дейишган. Ўша жойда савдо-сотиқни ривожлантиришга ҳаракат қилишган.

Аҳил жамоамизда 26 нафар киши меҳнат қилади. Улардан 23 нафари деҳқончилик билан шуғулланади. Ишловчиларга ҳар куни бепул иссиқ овқат тайёрланади, сут берилади. Ўртача ойлик 12-14 минг сўмни ташкил этмоқда.

Ҳозир фермер хўжалигимизда 305 бош қорамол парваришланяпти. Амалдаги йилнинг тўққиз ойида 105 тонна сут, 35 тонна гўшт етиштирдик. 75 бош соғлом бузоқ олдик. Ихтиёримизда 101 гектар экин майдони бор. Ерларни оилавий пудратчиларга бўлиб берганмиз. 30 гектар ерга ғалла экдик. Қолган ерларда беда, третикале сингари озуқа экинлари ўстирилади. Қишловга мўл ва сифатли емиш жамғардик. Бир сўз билан айтганда меҳнатимизга яраша манфаат ҳам кўраяпмиз.

Ҳаммамизга маълум, бир неча кун аввал вилоятимизда «Ҳосил байрами» шоду ҳуррамлик билан ўтди. Тўйга тўй, хурсандчиликка хурсандчилик уланиб, тармоқда эришган муваффақиятларимиз учун вилоят ҳокимлиги фермер хўжалигимизни телевизор билан мукофотлади. Бу жамоамиз аъзоларини ниҳоятда мамнун этди.

«КЕЙС»ИМ ТЕЛЕВИЗОР ОЛИБ БЕРДИ

Маъмур КАРИМОВ, Ўртачирчиқ туман машина-трактор паркининг «Кейс» оператори



— Механизаторлик — ўлмайдиган касб. Масалан, механизатор қишлоқ хўжалиги учун қишин-ёзин керак. Бирор фасл йўққи, унга иш топилмай қолиб, бекор ўтирса. Айниқса, кейинги йилларда техникалар эскириб, ишдан чиқиб, чўғи камайиб кетгани учунми, бизнинг, яъни комбайнчи ҳамда пахта териш машиналари операторларининг бозоримиз чаққон бўлиб, харидорларимиз кўпайиб кетди. Ҳозир ўз касбини пухта эгаллаган, ишлашдан эринмайдиган механизаторларга яхши даромад топиш, тўкин яшаш учун ҳамма имкониятлар бор.

Масалан, мен фақат кузги шудгор якунлангандан сўнг бироз дам оламан. Кўклам келиши билан яна тинимсиз ҳаракат бошланади. Ерни тайёрлаш, чигит экиш, культивация, ўғит бериш, чеканка, дефолиация, йиғим-терим... Айтмоқчиманки, ишлашни хоҳлайдиганга иш топилади. Мана мен, ҳисоблаб кўрсам, ёз бўйи, яъни тўққиз ой давомида 140 минг сўм иш ҳақи олибман. Йиғим-терим даврида эса, «Кейс» машинаси билан «Қорасув» ширкат хўжалигида 430 тонна пахта териб, 107.500 сўм пул ишладим. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Хўжалик бу йил мўмай даромад кўрди. Йил якунида қўшимча ҳақ ҳам бўлади.

Аммо гапнинг муҳими бошқа ёқда. Яъни кишига фақат моддий эмас, маънавий қониқиш ҳам керак. Мен буни «Ҳосил байрами»да рангли телевизор совға қилганларида айнан ҳис этдим. Минглаб одамлар даврасида исмимни тилга олиб, «Энг яхши механик-теримчи» деб эълон қилишганда, ўзимни бахтиёр сездим.

НУДРАТНИНГ ШАРОФАТИ

Комилжон КАРИМОВ, Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси



– Дадил айтиш керакки, бугунги кунда деҳқон ўзини ернинг ҳақиқий эгаси эканлигига тўла ишонган ҳолда меҳнат қилмоқда. Бунинг боиси бор, албатта. Аввало, пудратчи билан бошқарув ўртасида тузиладиган шартномада ҳар икки томоннинг манфаатлари тенг ҳисобга олинади. Энг кераклиси бу шартномаларнинг бандма-банд бажарилиши учун ҳар икки томон ҳам масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда иш олиб боради. Шунинг учун ҳам далаларда ҳар бир иш жараёни ўз вақтида ва сифатли бажарилиб, ҳар бир қарич ернинг самарадорлиги ортиб бораётир. Пудрат сабзавотчиликда энг мақбул усул бўлиб қолди. Бу усул оз майдонда баракали, айни пайтда сифатли ҳосил етиштириш имконини бермоқда.

52 гектар майдондаги сабзовот ҳосилдорлиги 310 центнерни ташкил этди. «Ҳосил байрами» йиғинида деҳқонларимизнинг бу камтарона меҳнат натижалари юқори баҳоланиб, телевизор билан мукофотландик. Бу биз учун ҳам фахр, ҳам келгусидаги ишларимиз учун катта масъулиятдир.

НОМНИ ЯОК САҚЛАЙМИЗ

Абдулла ШОДИЕВ, Паркент туманидаги «Заркент» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси



– Хўжалигимиз тоғ олди минтақасида жойлашган. Асосан ғаллачилик, кўпроқ узумчилик билан шуғулланамиз. Биласиз, узумдан мўл ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Хомток турлари ўз вақтида амалга оширилмаса, ток туплари вақтида кўмилиб, вақтида очилмаса, панд еб қолиш ҳеч гап эмас. Лекин бизнинг миришкор соҳибкорларимиз бундай бўлишига асло йўл қўймайдилар. Бой тажрибаларини ишга соладилар, шу туфайли ҳар бир туп ток яхши ривожланиб, серҳосил бўлиб ўсади. Бу йил ҳам шундай яхши натижага эришдик. Ҳар гектар узумзордан 173 центнердан ошириб ҳосил топширдик. Меҳнат қилган киши сира кам бўлмайди, мақсадига эришади деб, бежиз айтмайдилар, ахир. «Ҳосил байрами»да телевизор мукофотини олаётиб, халқимизнинг ана шу пур маъно мақоли беихтиёр ёдга тушди.

Айни кунларда хўжаликда бўлиб, далаларни, боғу токзорларни кўздан кечирсангиз, соҳибкорларимизнинг сўзлари билан ишлари бир эканига ишончингиз комил бўлади.

ҲАМ ОБРЎ, ҲАМ ДАРОМАД

Тожибой САЙДИЕВ, Бўка туманидаги Саймоқов номли ширкат хўжалиги аъзоси



– Гоҳ-гоҳида ўйлаб қоламан, Бир чаноқ оппоқ пахтани етиштириш учун қанча муддат кетаркин? У пахта бўлиб очилгунича деҳқон неча марта эгилиб, тураркин? Буни ҳеч ким аниқ ҳисоблаб чиқолмаган бўлса керак. Деҳқон мана шунинг учун ҳам ҳамиша эъзозланади, унинг меҳнати доим қадр топиб келади.

Бу йилги мавсумда 6,5 тонна пахта тердим, десам кўпчилик ишонмади. Лекин тома-том кўл бўлур, дейдилар. Далаларда шунча ҳосил етиштирилсаю, уни термаслик мумкинми? Умрим мана шу пахтазорларда ўтаётгани учун ҳам, кузнинг ҳар бир лаҳзаси ғанимат эканлигини билганим учун ҳам бор куч-ғайратимни ишга солиб меҳнат қилдим. Кунига 125-130 килограммдан «оқ олтин» тердим. Меҳнатимга яраша ҳақимни ҳам олдим. Лекин кундалик ҳисобланган шу меҳнатим бу қадар улуғланишини рости асло кутмаган эдим. Мукофотланганлар қаторида менинг номим ҳам қайд этилиши, гилам билан тақдирланишим бошимни кўкка етказди. Бу иззат-икромларга меҳнатим билан жавоб қайтаришни дилимга тугиб қўйдим.

ТАЖРИБАНИ ЯНАДА БОЙИТАМИЗ

Шарифа ХАМИДОВА, Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси

– Ерни экишга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаб, чигитни эрта экиб, қийғос ундириб, белгиланган миқдордаги кўчатларни бутлаб олиш юқори ҳосил етиштиришда ғоят муҳим омил ҳисобланади. Шу туфайли ҳам биз андижонликларнинг пленка остида пахта етиштириш усулини жорий этишга астойдил киришдик. Натижада пудратчиларимиз ўзларига тегишли майдонларда юқори ҳосил етиштириб, теримни уюшқоқлик билан ташкил этиб, ҳосилдорликни 5-6 центнерга оширишга муваффақ бўлдилар. Энг муҳими, ҳосилнинг асосий қисмини аъло навларга топшириб, мўлжалланганидан анча кўп соф даромад олишни таъминладик.

Келгуси йилда бу илғор усулни барча майдонларда қўллаймиз. Бу йилдагидан ҳам юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун энг биринчи навбатда тўпланган тажрибаларимизни янада бойитиш учун ҳаракат қиламиз. Ҳозирдан бошлаб пухта замин яратиб қўймоқдамиз. Ерларимиз кузда чуқур шудгор қилиб қўйилган, зарур миқдордаги маҳаллий ўғитлар жамғариляпти. Техникаларни тайёрлаб қўйяпмиз. Мен аминманки, пудратчиларимиз янги йилда ҳам астойдил ишлаб, хирмоннинг баракали бўлишини таъмин этадилар.

ПИЛЛАМ МЕНИНГ, ТИЛЛАМ МЕНИНГ

Култой МЕЙЛИБОЕВА, Бўстонлиқ туманидаги «Тошкент» ихтисослашган наслчилик-пиллачилик хўжалиги илғор пиллакори

— Сидқидил меҳнат қилган инсон асло кам бўлмас экан. Кўп йиллардан буён пиллакорлик касбини улуғлаб келмоқдаман. Ҳар йили шартнома режасидан ортиқ ҳосил топширишга эришяпман. Бир йилда бир ой давом этадиган мавсум пиллакордан фидойилик, вазифасига ўта масъулият билан қарашни талаб этади. Негаки, озгина лоқайдлик, уқувсизлик пилла ҳосилининг маълум қисми йўқотилишига, сифати пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Шуни назарда тутиб, бу йил ҳам ипак қурти парваришининг ҳар бир кунини ниҳоятда зийраклик билан ўтказдим. Кунни тунга улаб қилган саъй-ҳаракатларим мевасини берди. Давлат қабул пунктига ҳар қутидан 108 килограммдан юқори сифатли хом ашё топширдим. Унинг учун яхшигина ҳақ олдим.

Кексалар тез-тез «Касбингдан барака топ» деган гапни такрорлашади. Улар дуоси ижобат бўлиб, 2001 йил якунига кўра, вилоятда «Энг яхши пиллакор» деган номга сазовор бўлдим. Шу муносабат билан яқинда зўр нишонланган вилоят «Ҳосил байрами»да қимматбаҳо гилам билан тақдирландим. Камтарона меҳнатим шунчалар эъзозланганидан бениҳоя хурсандман. Бу мени меҳнатда янада қувончли натижаларга эришишга даъват этмоқда.

МАҲАЛЛАМ – ОЛТИН ОСТОНАМ

Рустам ҲАЙДАРОВ, Бўка туманидаги Қорақўйли қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

– Бирон киши ҳақида гап кетса, дастлаб қайси маҳалладан деб сўраймиз. Маҳалласининг обод ёки қаровсиз эканлигини биринчи бўлиб тилга оламиз. Шукр, бизнинг Қорақўйли маҳалламиз мақтаса мақтагудек чирой очиб бормоқда. Ўтган йилларни гапирмай қўяқолай. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги нишонланган йилда гузаримиз тамоман янгича чирой касб этди. Турли буюмлар билан савдо қилувчи учта дўкон қуриб ишга туширдик. Маҳалла ҳудудидаги 2та маиший хизмат шохобчаси кишиларимизнинг оғирини енгил қилмоқда. 50 ўринли чойхонамизда ҳурматли кексаларимиз бу фаровон кунларимизнинг шукронасини қилиб, ҳордиқ чиқармоқдалар. Фақат булар эмас, яқиндагина ишга туширилган қишлоқ врачлик пункти, батамом таъмирдан чиқиб, ўзгача чирой касб этган 300 ўринли клубимиз бор. Салкам 1,5 километрлик газ қувурларидан келаётган «зангори олов» ўнлаб маҳалладошларимизнинг уйларида ловуллаб ёниб турипти.

Бу йил Қорақўйли вилоятдаги «Энг обод маҳалла» деб топилди ҳамда телевизор билан мукофотланди. Энди бу номни сира ҳам қўлдан бермасликка ҳаракат қиламиз. Маҳалламиз ҳар томонлама ибратли бўлиши йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз.

УЙИМИЗ БУҒДОЙГА ТЎЛДИ

Маъсуда ТИЛЛАЕВА, Зангиота туманидаги «Бўзсув» ширкат хўжалиги оилавий пудратчиси

– 2001 йил вилоятимиз меҳнаткашлари учун, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ҳам ғалла, ҳам пахта йили бўлди. Айниқса, ғаллакорларимиз қувончли натижаларга эришдилар. Вилоят бўйича ҳосилдорлик қарийб 6-7 центнер ошди. Ёки давлатга ғалла сотиш ўтган йилдагига нисбатан 20 минг тоннага кўпайди.

Вилоятимизнинг ғаллачилиги тарихида биринчи марта эришилган бундай ютуқда, аввало, туманимиз меҳнаткашлари, қолаверса, оддий пудратчи сифатида менинг ҳам камтарона улушим борлигидан фахрланаман. Туманимиз бўйича бу йил ўртача ҳосилдорлик салкам 52 центнерга етди. Бу вилоят бўйича энг юқори натижадир.

Менинг ўзим эса 3,4 гектар ерда буғдой етиштириб, 26 минг тонналик хирмон уйдим. Ҳосилдорлик 76,5 центнерданга тўғри келди. Биринчи марта шундай юқори натижага эришдим. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу йил том маънода уйимиз буғдойга тўлди.

Лекин инсоннинг қадри фақат моддий жиҳатдан улуғланмайди. Киши ўз меҳнатидан, авалло, маънавий қониқиш ҳосил қилиши керак. Мен бу йил шундай шарафга ҳам муяссар бўлдим. Вилоятимизнинг зўр тантана билан ўтган «Ҳосил байрами»да мени «Энг яхши ғаллакор пудратчи» деб эълон қилишиб, совғасига гилам беришди.

АКАДЕМИК МАҲМУД МИРЗАЕВ НОМИ БЕРИЛДИ

Р. Р. Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига ярим асрдан ортиқ давр мобайнида раҳбарлик қилган, умри мобойнида ўн бир минг гектардан зиёд боғлар яратиб, уч юздан ортиқ китоблар, қўлланмалар, тавсиялар чоп этган миришкор олим Маҳмуд Мирзаевнинг қишлоқ хўжалиги фанига, мамлакатимиз узумчилиги ва боғдорчилигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси чинакам беқиёс.

Шу боис ҳам, Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан Юнусобод туманидаги кўчалардан бирига академик Маҳмуд Мирзаев номи берилгани ижтимоий ҳаётимиздаги катта воқеадир. Тумандаги Муродов кўчаси билан Тошкент катта халқа йўлини бирлаштирувчи 3,2 километр узунликдаги бу кўчага 35 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилувчи 5та маҳалла туташган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги матбуот хизматидан хабар қилишларича, ўтган шанба куни мазкур воқеа муносабати билан ўтказилган жамоатчилик вакилларининг йиғилишида Р. Р. Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институти олим ва мутахассислари шу кўчани кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларини мунтазам ўтказиб туришни ўз зиммаларига олишди.

Ўз мухбиримиз.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2002 йил 3, 10 январь кунлари соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион ва биржа савдоларига таклиф этади

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Қибрай тумани ДСИ томонидан хатланган «ЎзПИТИ» Марказий тажриба хўжалигига қарашли РАФ-2203 русумли, давлат рақами 11 АС 734 бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.
Бошланғич баҳоси – 440000 сўм.
Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани ҳокимиятига тегишли
2. ГАЗ-31029 русумли, давлат рақами 11 TV 147 бўлган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.
Бошланғич баҳоси – 382200 сўм.
3. ВАЗ-2103 русумли, давлат рақами 21-24 ТША бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.
Бошлонғич боҳоси – 171700 сўм.
4. М-2140 русумли, давлат рақами 00-49 ТШБ бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.
Бошланғич баҳоси – 154000 сўм.
5. М-412 иЭ028 русумли, давлат рақами 57-98 ТША бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.
Бошланғич боҳоси – 166800 сўм.
6. М-412 иЭ028 русумли, давлат рақами 08-16 ТША бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.
Бошланғич баҳоси – 179700 сўм.
Тошкент вилояти Паркент тумани «Паркентсувқурилиш» трести ХАТП-23га қарашли
1. ГАЗ-2411 русумли, давлат рақами 00-16 ТШБ бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.
Бошланғич баҳоси – 432500 сўм.
2. КамАЗ-53212 русумли, давлат рақами 11 АЕ 934 бўлган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.
Бошланғич баҳоси – 642700 сўм.
3. КамАЗ-53212 русумли, давлат рақами 11 АЕ 762 бўлган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.
Бошланғич баҳоси – 642700 сўм.
4. КамАЗ-5511 русумли, давлат рақами 11 АЕ 884 бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.
Бошланғич баҳоси – 702700 сўм.
5. КамАЗ-5511 русумли, давлат рақами 11 АЕ 860 бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.
Бошланғич баҳоси – 702700 сўм.

Эслатма: Сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Xususiylashtirishga ko`maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Шунингдек, аввалги савдоларда қўйилган ва сотилмай қолган, бекор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ушбу савдоларда сотилиши мумкин. Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба, жума кунлари ўтказилади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг чап қаноти. **Тел:** 133-28-52, 133-77-18, **Факс:** 132-00-37.

«ЯНГИ ТОШКЕНТ»НИНГ РЕЖАЛАРИ КАТТА

Қибрай туманида бундан 21 йил бурун ишга туширилган "Янги Тошкент консерва" заводи бир неча йиллик қийинчиликдан сўнг яна қаддини тиклаб олди.



Бозор иқтисодига ўтиш бошланган пайтларда корхона деярли тўхтаб қолган эди. Вазиятни яхшилаш учун мулк шаклини ўзгартиришга тўғри келди. 1995 йили завод очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Раҳбариятга ишнинг кўзини биладиган кишилар келди, фойда узоқдаги «тоға»нинг эмас, ўзларининг чўнтагига туша бошлаганини билган ишчиларда эса рағбат уйғонди. Шундан кейингина қийинчиликлар ортга чекинди. Маҳсулот ҳажми ва сифати яхшиланди. Айни пайтда қаддини тўла тиклаб олган жамиятда 150 киши меҳнат қилмоқда. Мавсум пайти эса қўшимча ишчи кучи ҳам жалб қилинаётир.

Жорий йилда корхона 60 хилдаги 332 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади. Унинг қарийб ярми четга экспорт қилинди.

– Биз хомашёни Қибрайдаги ҳамда атрофимиздаги туманлар хўжаликлари, аҳолидан ҳам сотиб олаяпмиз, – дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Р. Саиддинов.

Корхонада жорий йилда етиштирилган деҳқончилик маҳсулотини қайта ишлаш якунланди. Жамоа аъзолари бекор қолмаслиги учун ҳозирда янги лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Ҳиссадорлик жамияти раисининг таъкидлашича, яқиндан бошлаб балиқдан консерва тайёрлаш йўлга қўйилади.

Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.

УЧ ЭГИЗАК



Янгийўл шаҳридаги Файзиобод маҳалласида истиқомат қилувчи Жўраевлар оиласида бугун шоду хуррамлик ҳукмрон. Уй бекаси бир йўла учта — Ҳасан-Фотима-Зуҳра — фарзандли бўлди. Чақалоқлар шаҳар марказий шифохонаси тиббиёт ходимлари назорати остида.

Хонадондаги уч фарзанд олтита бўлгани билан қўни-қўшнилар Жўраевларни самимий муборакбод этмоқдалар. Чақалоқлар соғлиғини доимий назорат қилиш учун ҳамшира ҳамда шифокор бириктириб қўйилди. Эгизаклар соғлом ўсмоқдалар.

Зуҳра ҲАЙДАРОВА.

Буни ҳаёт дейдилар

МЕҲР КЎП КЎРГУЗДИМ, АММО...

Мунирани анчадан буён биламан. Камгап, камсуқум. Ортиқча гап айтишга ийманиб туради. Кўринишидан қувноқ кўринса-да,кўзларининг туб-тубига мунг, алам яширинган. Анча вақтгача унинг сабабини сўрашга ботинмадим. Бир куни кечга яқин унинг ўзи уйимизга кириб келди. Мен у бир нарсани айтгиси келаётганлигини, аммо айтишга ботинолмаётганлигини сезиб, ичкарига таклиф этдим. Бир оздан сўнг ниҳоят у «ёрилди».

— Бу дунёга фақат ғам-алам, қайғу ва ташвиш учун келган эканман — деди Мунира тин олиб. — Бундан кўра туғилган заҳотим ўлиб қўя қолсам бўлмасмиди?

Муниранинг юрагини эзаётган дард шунчаки ўткинчи бир жанжал ёки келишмовчилик орқасидан эмас экан...

... Аҳрор билан турмуш қургач, Мунира ширин хаёллар, баландпарвоз ваъдалардан сармаст юрди. Уй ва давлат ишлари, келинлик вазифаларини бир вақтнинг ўзида уддалашга ҳаракат қилар эди. Биринкетин ўғиллари Жасур ва Ҳикматиллалар дунёга келишди. Ёш онанинг ташвишлари янада ортди. Энди эр-хотин бўлар-бўлмас нарсага жанжаллашиб қоладиган бўлишди, бу жанжаллар Муниранинг аёвсиз калтакланиши билан тугар эди. Борган сари уларнинг муносабатлари тараңглашиб борар, аёл эрининг кўзига ёмон кўринганиданми, ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ эди. Сурункали уртўполон, жанжаллар аёлнинг жонига текканидан Ҳикматиллани олиб, ота-онасиникига кетди. Шу орада ойлар ўтди. Лекин Аҳрордан дарак бўлмади. У на хотинини, на ўғлини сўроқлаб бирор марта ҳам қайнотасининг остонасидан ҳатламади. Ниҳоят 6 ой деганда янгаси (амакисининг аёли):

— Бўлди, етар. Қачонгача кутасан ? Болаларингни ўйлаб, яраштирмасак бўлмайди, — дея Мунирани етаклаб Аҳрорникига йўл олди.

Эшикдан ийманиб кирган Мунирани Жасуржон қаршилади. Қишнинг совуқ, бўронли кунида ҳам боласи юпун устбошида, оёғига йиртиқ калиш кийиб олганини кўрган онаизорнинг юраги эзилиб кетди.

— Пайпоқ кийиб олсанг бўлмайдими, болам, — деди кўзлари ёшларини яшира олмай ўғлига.

— Ойижон, ойижоним, сизни келишингизни билар эдим. Нега шунча йўқ бўлиб кетдингиз, мени соғинмадингизми? — Жасуржон совуқни ҳам писанд қилмас, онаси ва укасининг атрофида гирдикапалак бўлар, тинмай бидирлар эди.

Янгасининг насиҳатлари кор қилдими ёки ҳақиқатдан ҳам болаларининг тақдирини ўйладими, ҳарқалай Аҳрор индамади. Шу кўйи Мунира шу ерда қолади. Аммо, унинг қора кунлари ҳали тугамаган, бу ҳали уларнинг холваси экан.

Орадан бир неча ой ўтгач, Аҳрор Мунирани ҳиёнатда асоссиз айблаб, уриб ҳайдади. Бу гал аёл икки нафар боласи билан яна ота даргоҳига қайтди. Унинг кўз ёшларини кўрган онаизори бу гал ҳеч нарсани сўрамади. Тўғрироғи, сўраб, қизининг ярасига туз сепишни, қийнашни истамади.

Бир куни қўшни қишлоқда яшайдиган тоғаси меҳмонга келди. Янгаси Мунира икки боласи билан ажралиб келиб ўтирганини эшитгач, ўғли Зокиржоннинг ҳам бахти чопмай келини билан ажрашганини куйиниб гапирди. Кейин қариндош-қариндош-да, ўзимизникилардан бирини келин қилсам, деб қўшиб қўйди.

Шу гап баҳона бўлиб тоғаси билан янгаси кун ўтиб яна келишди. Мунира ҳеч нарсадан бехабар, елиб-югуриб уларга дастурхон ёзди, овқатга уннади. Чаққонгина келинни орзу қилган янга унга зимдан разм солиб ўтирди. Меҳмонларни кузатган онасининг қувончи чексиз эди. Ниҳоят қизи Мунира бахтини топадиган, ўзидан тинчийдиган бўлди...

Аммо онаизорнинг ўй-хаёллари у ўйлагандек бўлиб чиқмади. Тўйдан 2 ой ўтгач, уларнинг ҳолидан хабар олиб шу баҳона ўғилларини ташлаб келиш мақсадида укасиникига борган она қаттиқ янглишганини, хато қилганини сезди. Ўзи билмаган ҳолда қизини бахтли қиламан деб, бахтига зомин бўлганини ҳис қилиб, юраги эзилиб кетди.

— И-е, опа, нима болаларини ташлаб кетмоқчимисиз? — деди тоға норози оҳангда.

— Ука, ўзларинг Мунирани бир эмас, икки боласи борлигини билиб, кўриб туриб келин қилдинглар-ку?...

Орада дилни ўртайдиган, бир-икки оғиз наштарли сўзлар айтилгач, Жасуржон билан Ҳикматилла янги оилада, оналарининг ёнида қолишди...

Мунира тоғасининг хонадонида яхши уй бекаси, пазанда, чаққон келин бўлишга ҳаракат қилди. Аммо болаларининг харҳашаси, инжиқликлари бу уйдагиларнинг кўнглига ўтирмас, борган сари орага совуқчилик тушиб борар эди...

Муниранинг иккинчи турмуши ҳам бўлмади. Биринчи эри Аҳрор: «Опамдан узоқроқ яшасак, яхши бўлади. Болаларингдан бирини онангникида қолдир, бизга иккинчиси етади», — деб унинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирди. Шаҳардан ижарага квартира олиб, ота-онасининг рухсатисиз Мунирани кўчириб келди. Энди у худди зиммасидаги вазифани бажариб қўйгандек, истаса келиб Мунирани холидан хабар олади, истамаса йўқ. Баҳонаси ота-онасининг: «Бу хотин билан яшасанг, уйга келма», деган гапи бўлди-ю, қадамини узди.

Мунира фарзандларини бағрига олиб, тинч яшаётгандек кўринса-да, ичи — юраги аллақачон эзилиб, қон бўлиб кетган эди. Кундалик ейиш-ичиш, болаларнинг уст-боши, ўқув-қуроллари... Бу ҳам етмагандек, Муниранинг ой-куни яқинлашиб бораяпти. Кўз ёрса чақалоққа ҳам бир талай нарса керак.

— Дунёга келиб меҳр нималигини билмай ўтаяпман, — дейди у маъюсланиб. Етишмовчилик, камчиликлардан тўйиб кетдим. Нима кўрдим ўзи? Аёл учун бундан ҳам даҳшатли нарса борми ўзи?

У ёшли кўзларини бир нуқтага қадаб, ўйланиб қолди.

Мен билан дардлашиш илинжида келган Мунирани тинчлантирадиган, юрагига таскинвор бўладиган сўзларни топа олмай қийналардим...

Наргиза ЮНУСОВА.

Шарқ дурдоналари

УМРИ БОҚИЙ ҲИКМАТ



– Дунёнинг ғами уч нарсададир: кўп нарсага ҳирс қўйиш, кечиккан савол, ташвиш келтирувчи истак;

– дунёнинг асоси тўрт нарсададир: қурилиш, аёллар, заргарлик, бойлик;

– тўрт нарса балонинг бошидир: кўп хотинлик, камбағаллик, ёмон қўшни, ҳоин хотин;

– дунёнинг азоби тўрт нарсададир: қариликни ёлғизликда кутиб олиш; ғурбатда дардга чалиниш; молидан қарзи кўп бўлиш; сафарга отланиб, уйидан йироқлашиш;

– солиҳа аёл диннинг устуни, уйнинг кўрки ва тоатда кўмакчидир;

– қуйидагилар комил эмаслар: ҳарбий юришларда юриб, хотинига ўгирилиб қарамаган; қурилиш бошлаб тугалламаган; уруғ экиб ҳосилини йиғиб олмаган;

– оқил одам уч нарсани ёдида тутиши зарур: дунёнинг фонийлигини; ундаги аҳволларга қараб иш юритишни; унинг офатларидан ҳеч ким қочиб қутила олмаслигини;

– уч нарса уч нарса билан топилмайди: қуруқ истак бойлик келтирмайди; пардоз билан ёшлик, доридармон билан саломатлик қайтмайди;

– тўрт нарса замон ўтса ҳам сенга зарар келтирмайди: тоза емиш, чин дўст, ростгўй суҳбат, омонатга садоқат;

– олти нарса ҳаёт мувозанатини сақлайди: соғлом таом, ҳамдард хўжайин, қулоқли бола, мувофиқ хотин, маҳкам сўз, ақл камолати;

– жанг қилмайдиган қиличга сайқал бериш хатодир; шўр ерга вақтидан илгари уруғ сепиш жаҳолатдир; оғир меҳнатни бадантарбия ҳисоблаш бемаъниликдир;

– мантиқий фикрлаш табиат туҳфасидир; лашкарбошидаги шафқат мантиқнинг соғломлигидандир;

– чин меҳнат табиатан иродасиз одамни ҳам тарбиялайди;

– туғма тентаклик тузалмайдиган дарддир;

– ёмон хотин битмас жароҳат;

– ғазаб оғир юкдир;

– уч нарсанинг ҳусни уч пайтда билинади: ҳамдардлик очлик пайтида; садоқат ғазаб ва норозилик пайтида; кучли бўла туриб, кечира билиш;

– оқил одам мустажоб бўлмайдиган илтимосни қилмайди; монеъ нарсани сўрамайди; қўлидан келмайдиган иш устидан ваъда бермайди;

– уч тоифа одам ёлғиз эмасдирлар: одобли, ёмонликдан юз ўгирувчи, аниқ иш юритиб, шубҳадан нари бўлган;

– саккиз хислат жоҳил табиатидан келиб чиқади: сабабсиз ғазаб; беҳақ нарса улашиш; бўлмаган ишлар билан баданни чарчатиш; дўсти сенинг душманинг бўлмиш кишини яхши билишга интилмаслик; яқин бўлмаган одамга сир айтиш; синалмаганга ишонч билдириш; вафосиз; ақлсиз ҳақида яхши фикрда бўлиш; фойдасиз кўп гапириш;

– вафо кетса, бало келади;

– сабр ўлган жойда қасос яшайди;

– хиёнатлар келган жойдан барокатлар қочади;

– ҳазил жиддийликнинг офатидир; ёлғон ростликнинг душманидир; шафқатсизлик адолатни ҳалок этгувчидир; подшоҳ ҳазил ишлатса, ҳурмати кетади, ёлғон ишлатса, қадрсизланади; шафқатсизлик ўз султонини ҳам ҳалок қилади;

– қатъийлик-имконият борлигида фурсатдан фойдаланишдир; сусткашлик–вақтни бекор ўтказишдир;

– риёсат гўзал сиёсат биландир, унинг талаби азобларга чидашдир;

– очликка бардош бериш яхшилик уруғини сепмоқликдир; фазилатлар кишини улуғлайди; яхши хулқ-атвор ишларнинг ривожидир;

– агар фикр ундан фойдалана олмайдиган одамда, қурол уни ишлата олмайдиганда, мол уни билмайдиганда бўлса, ишлар пачавадир;

– юрт эгаси уч хислат билан иш юритиши зарур: ғазаб келганда, жазони кечиктириш; яхшиларни мукофотлашни орқага сурмаслик; гапирувчининг сўзини сабр билан тинглаш. Чунки жазони кечиктириш авф этиш имконини беради. Мукофотни тезлатиш хизматчилар ва лашкарнинг тоатини кучайтиради. Сабр билан қулоқ солиш фикрни равшанлаштириб, ақлни изоҳлайди.

Нашрга тайёрловчи: Маҳмудхўжа НУРИДДИНОВ, фалсафа фанлари доктори, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими. (Давоми бор).

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Бу қизиқ

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

♦ Улкан ўрама — рулет Япониянинг Йоси шаҳрида Никопака фестивалининг қатнашчилари томонидан тайёрланган. Унинг узунлиги минг метр келади.

♦ Улкан мис тоғора Уолт Диснейнинг «Ойимқиз ва дайди» кинофильми экранга чиқиши муносабати билан ясалган, Унинг оғирлиги 274 килограммга етади.



♦ Улкан кабобни Цюрих ёзги фестивалида швейцариялик пазанда Кадио Кетинка пиширган. Кабобнинг эни 1,2 метр, баландлиги 1,6 метр, оғирлиги эса 1,3 тонна чиқади.

♦ Улкан гамбургер АҚШнинг Висконсин шаҳрида Сеймор миллий байрамида 2,5 тонна миқдорида тайёрланган эди.



♦ Катта шоколад Буюк Британиянинг «Кедбери Дейри Милк» фирмасида тайёрланган. Унинг узунлиги 2715 сантиметр, қалинлиги 31 сантиметр, вазни эса 1 тоннадан ошади.

Бу тайёрланган таомларнинг ҳаммаси рекорд ҳисобланиб, Гиннеснинг китобига киритилган.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.



Манов жажжи қизалоқ,
Онасининг эркаси.
Қўлидаги қўғирчоқ
Орзуларнинг ўлкаси.

Аллалаб қўғирчоғин,
Овутмоқчи бўлар у.
Юпатиб овунчоғин
Ўзи ухлаб қолар у.

КУЛГИГА НИМА ЕТСИН

ЎЗГАРМАС ҚОНУН

– Сенга уйланаётганимда қанчалар аҳмоқ бўлган эканман.

– Ҳеч хавотирланма жоним, ҳали ҳам ўша-ўшасан.

АФСУС

– Манави яп-янги «Мерседес» сизникими?

– Меники эмас, яхши қиз.

– Афсус, сиз билан танишмоқчи эдим.

САБАБ

Ота мактабдан қайтган ўғлидан сўраяпти:

– Хўш, бугун неча баҳо олдинг?

– Тўрт.

– Нега беш эмас?

– Чунки тўрт соат ўқидик-да.

ДАРҒАЗАБ

Ўлим тўшагида ётган эр, хотинига васият қилмоқда:

– Дўконимизни ўғлимизга берасан.

– Яхшиси қизимизга бера қолайлик.

– Йўқ, ўғлимизга.

– Мен қизимизга деяпман.

– Менга қара, ким ўлаяпти ўзи: менми, сенми?

Матлуба МАҲМУДХЎЖАЕВА тайёрлади.

КУМУШ МЕДАЛЬ КИМНИКИ БЎЛАДИ?

Мамлакат ўнинчи миллий чемпионатида иштирок этаётган олий табақа жамоалари сўнгги тур учрашувларини ўтказдилар. 4та ўйинда майдон эгалари, уч учрашувда меҳмонлар ғалаба қозондилар. Икки учрашув дуранг натижа билан якунланди. Дарвозаларга 30та тўп киритилди.

Мамлакат собиқ чемпиони «Дўстлик» ўзининг ҳал қилувчи ўйинини Зарафшонда «Қизилқум»га қарши ўтказди. Дўстликчилар бу учрашувда ғалаба қозонсалар кучли ўнликдан жой олишарди. Шунинг учун дастлабки дақиқалардан ташаббусни ўз қўлларига олдилар. 12-дақиқада Фарид Хабибулин майдон эгалари дарвозасига биринчи тўпни киритди. Танаффусгача меҳмонлар ҳисобни 2:0 етказдилар.

Иккинчи бўлимда битта тўп ўтказиб юборган «Дўстлик» 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, кучли ўнликдан жой олди.

«Металлург» Термизда жуда муҳим учрашув ўтказиб, ўзига керакли натижани қўлга киритди. Бу учрашувда мағлуб бўлган жамоа олий табақа билан хайрлашиши аниқ эди. «Металлург»га эса дуранг натижа ҳам қўл келарди. Ҳар икки жамоанинг ғалаба қозониш учун қилган барча уринишлари самара бермади ва ўйин 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди.

Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоаси ҳам ўзининг сўнгги ўйинини Бухорода 1:1 ҳисобида якунлади, бироқ олий табақа билан хайрлашди. Шунингдек, Ангреннинг «Семурғ» жамоаси муддатидан илгари олий табақани тарк этган эди.

Муддатидан илгари бешинчи бор чемпионлик унвонини қўлга киритган «Нефтчи» жамоаси ўз майдонида «Турон»ни 3:0 ҳисобида мағлуб этди. «Насаф» — «Пахтакор» учрашуви турнинг марказий ўйинларидан бири эди. Майдон эгалари ғалаба қозонсалар кумуш медални қўлга киритар эдилар. Уларни дуранг натижа ҳам қониқтирарди. Учрашувнинг асосий вақтида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Ҳакам томонидан қўшиб берилган икки дақиқада пахтакорчилар ғалаба тўпини киритишга эришдилар ва кумуш медалга даъвогарлик қилишни давом эттирмоқдалар. Улар кечиктирилган ягона ўйинни бугун ўз майдонларида «Семурғ» билан ўтказадилар. Агар ғалаба қозонсалар 72 очко билан иккинчи поғонага кўтарилиб оладилар.



Сўнгги турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Андижон» — «Зарафшон» — 4:0, «Сўғдиёна» — «Трактор» 2:0, «Самарқанд-Д» — «Академия» — 1:3.

Мамлакат 11-миллий чемпионати олий табақасида энди вилоятимиз шарафини икки жамоа «Дўстлик» ва «Металлург» ҳимоя қилади.

Тальат ЮСУПОВ.

«СОЛИҚЧИ» БИРИНЧИ ТАБАҚАДА


Илгари хабар қилганимиздек, Келес (Тошкент тумани)нинг «Солиқчи» футбол жамоаси вилоят биринчилигида ғолиб чиқиб, республика миллий чемпионатининг биринчи табақасига йўлланма берадиган ўтиш турнирида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Ушбу турнирда вилоятимиз вакили муваффақиятли қатиашиб, ўз мақсадига эришди.

Ўтиш турнири икки босқичда ўтказилди. Аввалига жамоалар уч гуруҳга бўлиниб, Қибрай, Наманган, Жиззах шаҳарларида ўзаро куч синашдилар. Гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалар Қибрайда йиғилиб иккинчи босқич учрашувларини ўтказдилар. Бунда олтита, яъни «Солиқчи», «Локомотив» (Тошкент), «Динамо» (Мингбулоқ, Наманган), «Ёғ-мой» (Қўқон ш.), «Ғаллаорол» (Жиззах), «Сирдарё» (Сирдарё) жамоалари иштирок этди.

«Солиқчи» беш учрашувда фақат «Локомотив» билан дуранг ўйнаб, қолган жамоаларни мағлуб этди ва 15 имкониятдан 13 очко тўплаб энг юқори натижага эришиб республика чемпионатининг биринчи табақасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шунингдек, «Локомотив» жамоаси ҳам 11 очко билан иккинчи ўринни эгаллади ва иккинчи йўлланма эгаси бўлди.

Навбатдаги мавсумда биринчи табақа мусобақаларида вилоятимизнинг уч вакили иштирок этадиган бўлди. Яъни олий табақани тарк этган «Кимёгар» ва «Семурғ» ҳам қоидага мувофиқ шулар сафига қўшилди.

СКАНВОРД



Тузувчи Акромжон ХЎЖАМОВ.

Хусуий тадбиркор М. Аббасовнинг «ABBASOV MUXSUM NIGMANOVICH» деган сўзлар ёзилган думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Хусусий тадбиркор Лутфулла Ҳакимовнинг савдо қилиш ҳуқуқини берувчи патенти ва шахсий муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Об-ҳаво

Об-ҳавонинг кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 28 ноябрь – 2 декабрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик кутилмайди. Эрталаблари ва кечқурунлари туман тушиши эҳтимоли бор. Шимоли шарқдан эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 5-10 метрга етади.

Ҳарорат дастлабки кунларда кечалари 2 даража совуқ, 3 даража илиқ, кейинчалик 0-5 даража совуқ, кундузги ҳарорат эса, 3-8 даража илиқ атрофида бўлиши кутилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-56-29.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-3004. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи—205. Адади 4320 нусха. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6